

4-26-2020

FEATURES SEPARATE LINGUISTIC GEOPOETIKA IN FRENCH AND UZBEK LANGUAGES

Muborak Khafizovna Khamidova
BSU base doctoral student

Gulrux Shavkatovna Qahhorova
BSU basic doctoral student

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>



Part of the [Linguistics Commons](#)

Recommended Citation

Khamidova, Muborak Khafizovna and Qahhorova, Gulrux Shavkatovna (2020) "FEATURES SEPARATE LINGUISTIC GEOPOETIKA IN FRENCH AND UZBEK LANGUAGES," *Scientific reports of Bukhara State University*. Vol. 4 : Iss. 2 , Article 20.

DOI: 10.52297/2181-1466/2020/4/2/5

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol4/iss2/20>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

10. Lutfullayeva D., Davlatova R. O'zbek muloqot matnining deyktik birliklari. // O'zbek tili va adabiyoti. 2011. №6. 32-36-b.
11. Paducheva Ye. V. Egotsentricheskie yedinitisi yazika i rejimi interpretatsii.
10. Raximov S. Rechevaya kommunikatsiya i problema deyksisa v raznosistemnix yazikax. - T.: Fan, 1989. -90 b.
11. Safarov Sh. Pragmalingvistika. – T.: O'zbekiston Milliy Ensiklopediyasi, 2008. - B. 178.
12. Shermatov A. Ingliz ilmiy-texnik matnida deyksisning ifodalanishi: Filol.f.nomz.diss.avtooref. – Toshkent, 2008.
13. Yakobson R. Shifteri, glagolnie kategorii i russkiy glagol. http://genhis.philol.msu.ru/article_191.shtml
14. O'zbek tilining mazmuniy sintaksisi./ Nurmonov A., Mahmudov N., Ahmedov A., Solixo'jayeva S. – Toshkent: Fan, 1992. - B. 243.
15. Qurbonova M. O'zbek bolalar nutqining pragmatik xususiyatlari. Filol.f.d-ri (DsC) diss. –Toshkent, 2018. –71-116-b.
16. Hakimov M. O'zbek tilida matnning pragmatic talqini: Filol.f.d-ri...diss.avtooref. – Toshkent, 2001. 15-b.

УДК: 81

**ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ДЕОПОЭТОНИМЛАРНИНГ
АЙРИМ ЛИНГВОПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**ОСОБЕННОСТИ ОТДЕЛЬНЫХ ЛИНГВИСТИЧЕСКИХ ДЕОПОЭТОНИМОВ
ВО ФРАНЦУЗСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ**

**FEATURES SEPARATE LINGUISTIC GEOPOETIKA IN
FRENCH AND UZBEK LANGUAGES**

Хамидова Муборак Хафизовна
БухДУ таянч докторанти,
Қаҳҳорова Гулрух Шавкатовна
БухДУ таянч докторанти

Khamidova Muborak Khafizovna
BSU base doctoral student,
Qahhorova Gulrux Shavkatovna
BSU basic doctoral student

Аннотация. Мақолада табиий ҳодисалар номини ифодаловчи деопоэтонимларнинг француз ва ўзбек тилларида қўлланиши билан боғлиқ айрим лингвопоэтик хусусиятлари кўрсатиб ўтилган. Деопоэтонимларнинг тил ва бадиий нутқдаги ўрни, келиб чиқиши асослари ва қўлланиши хусусиятларини аниқлаш борасида баъзи фикрлар баён этилган. Деопоэтонимларнинг халқ оғзаки ижоди ва шеърятдаги вазифалари мисоллар ёрдамида таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: ономастика, поэтоним, деопоэтоним, мифодеопоэтоним, урбандеопоэтоним, тил, нутқ, лингвопоэтика, шеър, фольклор.

Аннотация. В статье указаны отдельные лингвопоэтические особенности, связанные с использованием деопоэтонимов на французском и узбекском языках, которые представляют собой названия природных явлений. Изложены некоторые мнения о роли деопоэтонимов в языковом и художественном дискурсе, основах их происхождения и особенностях их применения. Проанализированы функции деопоэтонимов в фольклоре и поэзии с помощью примеров.

Ключевые слова: ономастика, поэтоним, деопоэтоним, мифодеопоэтоним, урбандеопоэтоним, язык, речь, лингвопоэтика, стихотворение, фольклор.

Abstract. The article discusses certain linguistic and poetic features associated with the use of diopoetonyms in French and Uzbek, which are the names of natural phenomena. Explained some ideas about the role of deopoetonymov in language and divine discourse, the basis of their origins and the peculiarities of their application. Proanalizirovany funktsii deopoetonymov v folklore i poezii s pomoshchyu primerov.

Key words: *onomastics, poetonomy, deopoetonymy, mifodeopoetonymy, urbandeopoetonymy, language, speech, lingvopoetics, poetry, folklore.*

Кириш. Жаҳон халқларининг тил тизимида деопозтонимлар табиий ҳодисаларнинг номини ифодаловчи сўзлар сифатида алоҳида ўринга эга. Деопозтонимларнинг тил билан бадиий нутқдаги ўрни, келиб чиқиш асослари ва қўлланиш хусусиятларини аниқлаш тил тарихини ўрганиш ва унинг ижтимоий аҳамиятини белгилашда муҳим ўринга эга.

Дунё тилшунослигида француз тили лексикони, онамастикасига алоҳида қизиқиш мавжуд. Ўзбек тилида ҳам худди шундай. Натижада уларни қиёсий жиҳатдан ўрганишга бағишланаётган тадқиқотлар салмоғи ортиб бормоқда. Турли ономастик бирликлар қаторида деопозтонимларнинг тилда лексик-семантик, миллий-маданий, бадиий матнда эса лингвостилистик, поэтонимик, гендерлик, интензивлик хусусиятлари, турли тизимли тиллар доирасида номланишидаги умумий ва дифференциал жиҳатлари, таржима жараёнида аслияту ўғирма ўртасидаги эквивалентлик ҳамда адекватлик параметрларини аниқлаш фойдадан холи эмас.

Асосий қисм. Деопозтонимлар поэтик ономастикага хос терминлардан бирidir. У поэтик ономастика соҳасига тегишли ҳодиса бўлиб, тил ва адабиёт интеграцияси маҳсули сифатида юзага келади. Шунинг учун деопозтонимларни лингво + поэтика бирлигига асосланган тамойиллар асосида ўрганишга тўғри келади. Чунки деопозтонимлар ҳам бошқа ономастик бирликлар қатори лингвопоэтик жиҳатдан муайян вазифаларни бажаришга хослангандир.

Агар деопозтонимлар лингвопоэтик тамойиллар асосида таҳлил ва тадқиқ қилинса, улар бадиий матнда, биринчидан, бадиий-эстетик таъсирчанликни юзага келтириш; иккинчидан, салбий ёки ижобий маънони юзага чиқариш; учинчидан, аллюзив ном сифатида матнни шакллантириш ҳамда интертекстуалликни таъминлаш [1, 13]; тўртинчидан, сатирик ифодани яратиш; бешинчидан, инсон руҳий ҳолати ёки вазиятини, умуман, ифодаланаётган воқеликни баҳолаш, унга экспрессив, эмоционал ҳамда интензив муносабатни ифодалаш; олтинчидан, ижодкор услубини белгилаш, еттинчидан, асар моҳиятини англаш ва англатиш мақсадида риторик мурожаат билан чиқиш учун қўлланиши аёнлашади.

Деопозтонимлар бадиий матн билан боғлиқ ҳодисалар сифатида, одатда, ижодкор бадиий мақсадига мувофиқ қўлланади ва бунда турли экспрессив, интензив хусусиятларини намоён этади. Шу билан ўзининг муайян бадиий юкка, поэтик қимматга эга эканини кўрсатади. Бундан англашиладики, бадиий матндаги табиий ҳодисаларни ифодалаб келган ҳар қандай сўз ёки ном эмас, балки ижодкор бадиий ниятини ёритишга хизмат қилган табиий ҳодисалар номларигина деопозтоним ҳисобланади.

Шундай қилиб, муайян табиий ҳодиса маъносини англатиб, уни атаб келувчи ҳамда ижодкор бадиий нияти, субъектив муносабатига мувофиқ поэтик вазифага йўналтирилган бундай лексик бирликлар “деопозтонимлар” деб аталади. Улар бошқа ономастик бирликлар сингари бадиий матнда ономастик метафора, аллюзив ном, “сўзловчи” ном каби лингвопоэтик вазифаларда келади. [1, 12]

Деопозтонимлар лексик-семантик ва эстетик-стилистик жиҳатдан алоҳида хусусиятларга эга. Ижодкорлар улар орқали табиат оламига ўз муносабатларини ҳам ифодалайдилар.

Бадиий матнда қўлланувчи деопозтонимларни моҳиятига кўра қуйидаги кўринишларга ажратиш мумкин:

1. Қўл билан тутиб, кўз билан кўриш мумкин бўлган табиий ҳодиса номлари. Масалан, қор, ёмғир, дўл, қиров, шудринг сингари.

2. Кўз кўриб, қўл билан тутиш имкони бўлмаган табиий ҳодисалар номи. Масалан, булут, туман, момақалдиروق, чакмоқ, тўзон, камалак сингари.

3. Кўз ҳам кўрмайди, қўл ҳам тутмайди, фақат ҳис қилиш мумкин бўлган табиий ҳодисалар. Масалан: шамол, шабада, гармсел, зилзила сингари.

Бадиий матнда қўлланиб келадиган бу каби ҳар учала табиий ҳодисаларни “реал деопозетонимлар” деб санаш мумкин. Лекин улар орасида мифодеопозетонимлар, урбандеопозетонимлар ҳам учрайди.

Мифодеопозетонимларга хос муҳим белгилардан бири шундаки, уларнинг илдизи қадимги мифологик қарашларга бориб тақалади. Шунинг учун афсонавий, сирли мазмун касб этиб, бир асардан иккинчи асарга ўзгаришсиз кўчиб ўтувчи анъанавий номлар ҳисобланади. Масалан, Аямажуз улардан бири бўлиб, кишнинг тугаши ва баҳорнинг бошланиши даврида юз берувчи 6-10 кунлик табиат инжикликлари билан ажралиб турадиган мавсумий даврдир. Халқимиз орасида уни “айём” деб ҳам атайдилар. Бу давр барча халқлар тақвимида қайд этилган. Жумладан, французларда ҳам февраль ойининг сўнгги уч куни билан март ойининг дастлабки уч куни ёки март ойининг охириги уч куни билан апрель ойининг бошланғич уч куни – жами олти кун “бахтсиз ва омадсиз кун” сифатида талқин қилинади ҳамда у “кампир кунлари” деб аталади [2, 43]. Шу мифодеопозетоним орқали мазкур табиий ҳодисага, у орқали яна бу ҳақда кенг омма орасида маълум бўлган афсоналарга ишора қилинади.

Ўзбек фольклорига хос Аямажуз мифодеопозетонимининг бадиий матнга олиб кирилиши аллюзия усули бўлиб, у бадиий ижодда кенг тарқалган ҳодисалардан биридир. Бунда Аямажуз интертекстуал матн унсури вазифасида қўлланиб, аллюзив ном сифатида лингвопоэтик қиммат касб этади.

Деопозетонимлар аллюзив ном сифатида қўлланиб, бадиий матнда катта ҳажмли хабар-тушунчани ихчам шаклда ифодалаш имкониятини бера олади. Масалан, бадиий матнда қўлланган Ҳайдар номи шамол, Азроил номи ўлим ҳодисалари билан боғлиқ аллюзив номлардир. Бу номларга ишора қилиш орқали бевосита шамол ва ўлим ҳодисалари юз берганини ифодалаш мумкин. Чунки қадимги туркий халқлар қатори ўзбек халқи орасида ҳам шамол пири сифатида Ҳайдар культига сиғиниб, шамол чақириш (“ё Ҳайдар”) маросими ўтказиб келинган.

Мана шу жараёнда Ҳайдар номи билан боғлиқ эътиқодий инончлар тизими асосида шамолнинг афсонавий ҳомийси – Ҳайдар ёки Мирҳайдар номи тилга олинган. Бундан ташқари, Ўрта Осиёда истиқомат қиладиган туркий халқлар орасида шамолни тўхтатиш учун шамол тангриси Чуй момога, Ялли бобо номига ҳам сиғиниб келинган. Ёмғир чақириш учун эса сув тангриси Тиштриядан мадад сўралган [3]. Шунингдек, баъзан бадиий матнларда учрайдиган Эльма номи ҳам мифодеопозетоним бўлиб, муқаддас Эльма оловига ишора қилади. У табиатнинг ноёб, энг кам кузатиладиган ҳодисаларидан бири бўлиб, одатда, момақалдиروқдан олдин кўриниш беради. Бу мифодеопозетонимни денгизчилар ўз ҳимоячиси, сифатида талқин қиладилар [7].

Урбандеопозетонимлар бадиий асарларда ички шаҳар объекти, маданий қиммат касб этадиган, масалан, истироҳат-боғи комплекси кабилардан иборат бўлади. Масалан, бунга Қоҳирада барпо этилган ва XIX аср охири ва XX аср бошларигача сайёҳлар ўртасида машҳур бўлган “Эзбек” истироҳат боғи мажмуасини мисол қилиш мумкин. Бир вақтлар Наполеон ҳам уни ўзига қароргоҳ қилиб олган. Боғ ўртасида манзарали кўл бўлган. Ундан кўп узоқ бўлмаган масофада опера театри биноси ҳамда “Континентал” меҳмонхонаси жой олган. Эзбек шу истироҳат боғидаги ҳайкал бўлиб, боғ шу ҳайкал номи билан аталган. Бироқ ҳозир ундан фақат кичик парк сақланиб қолган, холос [7].

Бадиий нутқда лирик қаҳрамоннинг ҳиссиёт ва ички кечинмаларини, руҳий ҳолатини табиат ҳодисаларига боғлаб, уларга ўхшатиб ёки қиёслаб, баъзан қаршилантириб бериш тажрибаси қадимдан ҳозиргача давом этиб келадиган поэтик анъаналардандир. Маълумки, инсонлар ўзи ва табиат ўртасида руҳий яқинлик борлигини қадимдан ҳис этганлар, аммо жонли (органик) ва жонсиз (неорганик) табиатда юз берувчи табиий ҳодиса ва жараёнларнинг содир бўлиш сабабларини ҳали тушунмаганлар. Кўпроқ уларни ўзларидек жонли мавжудот сифатида тасаввур қилганлар. Лекин кейинчалик инсон онги тараққий этиши натижасида одамларнинг табиат ҳодисалари ва уларнинг юз бериши ҳақидаги

тасаввур-тушунчалари ҳам кенгайди. Бунинг оқибатида халқ бадиий тафаккурида ҳам уларни тасвирлаш ва талқин этиш борасида муайян ўзгаришлар пайдо бўлди.

Шеърятда лирик қаҳрамоннинг ҳис-туйғулари, руҳий ҳолати табиат ҳодисалари билан боғлаб берилиши тасодифий ҳолат эмас. Чунки табиат ҳодисалари инсон ҳаётига, кайфиятига, ризқ-рўзига маълум маънода таъсир кўрсатиши ўз исботини намоён этган.

Реалликка эга табиий ҳодисаларнинг номлари орқали ижодкор бадиий матнда уларнинг апеллятив маъносига ишора қилиш орқали ўзига хос образли ифодаларни яратади. Масалан, қорга хос совуқлик, оқлик маънолари орқали лирик қаҳрамоннинг характер-хусусиятига, ёшига ишора қилса, шамолга хос тезлик маъноси асосида инсон хатти-ҳаракати баҳоланади.

Табиий ҳодисаларнинг тилда мавжуд бўлган номлари бадиий матнларда кўпинча кўчма маънода келиб, экспрессивликни юзага келтиради. Бундай деопозитонимлар, хусусан, шеърятда муҳим экспрессив вазифаларни бажариб келади. Масалан, таникли ўзбек шоири Миртемирнинг “Шудринг” сарлавҳали шеърида лирик қаҳрамон бошидан кечирган ички ҳолатлар тасвири учун шудринг ҳодисаси муҳим лингвопозитик восита бўлиб келган. Шоир шудрингни “гўзал япроқларда, кўкатларнинг баргида, чечакларнинг бағрида, шўх сой қирғоқларида, ниҳоллар куртагида сал эпкинда симобдай қалтираб ялтираган лак-лак инжуга; келинлар тақинчоғи – кўзмунчокқа; бўй-бўй дилрабо қизларнинг узуги кўзларига, кечаси билан тагин йиғлаб чиққан онаси кўз ёшларига ўхшатган. Айниқса, шоирнинг шудрингни она кўз ёшларига менгзаши жуда таъсирли чиққан.

Шоир она ҳолатини, характер-хусусиятини ёритиб бериш учун асосий юкни табиат ҳодисаси номи – шудринг деопозитонимига юклаган. Бу ўринда шудринг ва кўз ёш ҳодисалари кўриниши ўртасидаги ўхшашлик уларни маъновий жиҳатдан ҳам яқинлаштириб, бири учун иккинчисини тасвир объекти сифатида танлашга замин яратган.

Шеърятда кўпинча инсонга хос хусусиятлар табиат ҳодисаларига кўчирилади. Масалан, шамолга нисбатан “ўйнамоқ”, “сўйламоқ”, “чермоқ”, “тиқирлатмоқ”, “уйғотмоқ”, “шивирламоқ”, “айтмоқ”, “қайтмоқ”, “эркаламоқ”, “ўпмоқ” сингари иш-ҳаракат номлари қўлланиши кузатилади. Масалан:

Япроқларда шамол ўйнар.
Сув мавжида ўйнар шамол.
Сарин шамол нима сўйлар?
Юрагида қандай хаёл?
Деразамни чертади у
Тиқирлатар эшигимни.
Ором билмас, билмас уйку,
Уйғотади келиб мени.
Сочларимга қўнар шамол.
Шамол қўнар кўзларимга
Кўшиқ, эртак айтиб хушҳол
Сўнгра қайтар изларига.

Инсон – табиатнинг бир қисми, шунинг учун табиий ҳодисалар ва одамзод ўртасида руҳий яқинлик, алоқадорлик мавжудлигини инкор қилиб бўлмайди. Шу сабабдан ижодкорлар инсоний кайфиятларни кўп ҳолларда табиий ҳодисалар билан тенглаштириб тасвирлаб, бадиий таъсирчанликка эришадилар.

Француз адабиётини кузатиш шундан далолат берадики, фаранг ижодкорлари ҳам деопозитонимлардан лингвопозитик восита сифатида маҳорат билан унумли фойдаланганлар. Масалан, шамол худди ўзбек тили бадиий матнларида кўрсатилгандек француз тилидаги бадиий матнларда ҳам фаол қўлланувчи деопозитонимлардан биридир. Масалан:

Ah! Ce grand vent, l'entends-tu pas?
L'entends-tu pas à la fenêtre?
Par la moindre fente il pénètre
Et s'enfle et crache comme un chat.
Ah! Ce grand vent, l'entends-tu pas?

– J'entends les cris des laboureurs.

Таржимаси:

Қани! Бу улкан шамол, эшита олмайсизми?

Ойнада эшитмаяпсизми?

Кичиккина тирқиш орқали у кириб боради

Ва мушук каби пишқиради ва тупуради.

Қани! Бу улкан шамол, эшита олмайсизми?

– Мен шуларнинг кичкириқларини эшитаман,

Пьер Менантонинг бу мисраларида шамолнинг ташхис (жонлантириш) ва ташбех (ўхшатиш) санъатлари асосида бадиий ифода этилганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Хулоса. Француз ва ўзбек тилларидаги деопэтонимлар лексик-семантик моҳияти, миллий-лисоний, номинацион-мотивацион, услубий хусусиятлари ҳар иккала миллатнинг яшаш табиий-иқлим шароити, тили, маданияти, миллий менталитети, дунёқараши, руҳияти, эътиқодий тушунчалари, ўзига хос урф-одат ва маросимлари, поэтик тафаккур тарзи билан узвий боғлиқликдир. Улар ўзига хос миллий белгилар орқали лингвомаданий ҳамда лингвопоэтик аспектда бадиий анъаналар қонуниятлари доирасида образлантирилиши кузатилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Andaniyazova D.R. *Badiiy matnda onomastik birliklar lingvopoetikasi: Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)*. - T., 2017. - 48 b.
2. Bulatova A.G., Bulatov A.O. *Nekotore religioznie verovaniya i mifologicheskie predstavleniya dagestantsev, svyazannie s kalendarem. // Problemi mifologii i verovaniy narodov Dagestana. - Maxachkala, 1988. - S. 43.*
3. Jo'rayev M., O'rayeva D. *O'zbek mifologiyasi. Darslik. - T.: Navro'z, 2019. - 510 b.*
4. Kalinkin V.M. *Teoreticheskie osnovi poeticheskoy onomastiki: Avtoref. diss. ... d-ra filol. nauk. - Kiev, 2000.*
5. Mirzayev I.K. *Problemi lingvopoeticheskoy interpretatsii stixotvornogo teksta: Avtoref. diss. ... d-ra filol. nauk. - Tashkent, 1992.*
6. Nurmonov A. *Tilshunoslikning adabiyot bilan munosabati // Tanlangan asarlar. 3 jildli. - Toshkent: Akademnashr, 2012. - 3-jild. - B. 163.*
7. www.http *Kratkiy slovar terminov i ponyatiy literaturnoy onomastiki (poetonimologii).*

УДК: 81.344

ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА УНДОВНИ ИФОДАЛОВЧИ ТОВУШЛАРНИНГ ФОНОПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

ФОНОПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ СОГЛАСНЫХ ЗВУКОВ В УЗБЕКСКОМ И АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКАХ

PHONOPSYCHOLOGICAL PROPERTIES OF EXCLAMATION SOUNDS IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES

Кахарова Ирода Сидиковна

ТАҚИ катта ўқитувчи, фил.ф.ф.д. (PhD),

Қаҳҳорова Гулрух Шавкатовна

БухДУ таянч докторанти

Kakharova Iroda Sidikovna

Tashkent institute of architecture and construction senior lecturer,

doctor of philosophy (PhD) in philology,

Qahhorova Gulrux Shavkatovna

BSU basic doctoral student

Аннотация. Ҳис-ҳаяжон гапларда инсонга хос лисоний, мантиқий, руҳий фаолиятлар бир-бирига боғланиб, ягона нутқий тафаккур жараёнини ўзига хос шаклда намоён этадики, бундан тилнинг нафақат онгни ҳаракатлантирувчи, балки руҳиятга ҳам таъсир кўрсатувчи воситалардан бири эканлиги яна бир бор аёнлашади. Шу маънода, тилшуносликда ҳис-ҳаяжон гаплар алоҳида, ўзига хос лисоний, нутқий тузилмалардан бири сифатида қабул қилинади.